



ИККИ ОЙЛИК
ПЛАНИ
МУДДАТИДАН
ИЛГАРИ
БАЖАРАМИЗ

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ
СОВҒАЛАР БИЛАН
КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (4028).

Жума, 21 февраль 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ҒАЗАЛКЕНТ, (Телефон орали олинди). «Правда» газетасининг 50 йиллиги совхоз коллективини маҳаллий Советларга бўладиган сайловларни муносиб кутиб олиш учун курашга астойдил меҳнат қилмоқда.

Айниқса бу соҳада совхоз чорвадорлари яхши ишлашган. Улар бўғроқча боқилган молларни катъий раъёи асосида боқиб, уларни яхши семиртирилди. Қабул пунктга ҳар бир мол юқори сифатда топширилди.

Ферма чорвадорлари феврал ойининг дастлабки кунларидаёқ пландаги 20 тонна ўрнига 25 тонна гушт топшириб, ярим йиллик планни ошириб бажардилар.

Бу йилги қиш чорвадорлар учун оғир синов йили бўлди. Улар ҳар бир бош чорва молини соғлом олиб чиқиш учун барча тадбирларни курабтирдилар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.
Бўстонлиқ району.

ХОТИН-ҚИЗ МЕХАНИЗАТОР- ЛАРГА КАТТА ҒАМХҲҮРЛИК

ДУГОНАЛАР, ТЕХНИКАГА ИХЛОС ҚҲЙИНГ

Турсуной ОХУНОВА,

Янгийўл районидаги Киров номи колхозининг участка бошлиғи,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий
Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

Ҳукуматимиз

қарори бизни

меҳнатда

Я Н Г И

зафарларга

руҳлантиради

Суратда: Турсуной Охунова.

Н. Тўраев фотоси.

СССР Министрлар Советининг «Хотин-қизларни қишлоқ хўжалигида малакали меҳнатда иштирок этишга янада кенгроқ жалб қилиш тўғрисидаги қарори биз, хотин-қиз механизаторларни чексиз қувонтириб юборди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрлик бизларни янги меҳнат зафарлари сари чорламолда.

Хотин-қизлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фаол қатнашиб келмоқдалар. Улар тракторчи-машинистлар, чорвачилик фермаларининг механизаторлар, енгил автомобиллар ва 2,5 тоннагача юк кўтарадиган руль ва бошқарув усулителларига эга бўлган машиналарда шофёр, ремонтчи ишчи, қурувчи бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнатини қўлланши руҳсат этилган бошқа соҳаларга уларни янада кенг жалб қилиш ва қишлоқ хотин-қизларининг техникага бўлган ҳавасини ошириш тўғрисида чинкамга ўйлаб кўриш керак.

Қишлоқ мактабларида санкиз йиллик мактабни битирганлар ҳисобидан қишлоқ хўжалиги учун ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлайдиган уч йиллик қишлоқ хўжалик профессионал техника билим юртлари ташкил этилаётгани, бу билим юртларида кўпроқ хотин-қизларнинг тракторчи-машинистлар, қишлоқ ва сув хўжалиги қурилиши учун бошқа ихтисосликлар бўйича малакали ишчиларнинг тайёрланаётгани жуда ҳам қувончлидир. Халқ хўжалигида земаонавий техника кўчларидан фойдаланишда хотин-қиз механизаторларнинг ролини янада ошириш шу кўнлардаги муҳим вазифалардандир.

Ҳозирги кунда профессионал-техника мактабларининг сони йил сайин ошиб борапти. Республикаимизда қишлоқ хўжалигига механизатор-кадрлар тайёрловчи 37 та профессионал-техника билим юртининг тракторчи хотин-қизлар ва механик-ҳайдовчилар тайёрлайдиган олти ойлик курсларида машғулотлар мунтазам давом этмоқда. Бу йил ўрта мактабни битирган хотин-қизлардан 1200 дан ортиқ киши ана шу курсларни битириб қишлоққа йўл олади. Шу жумладан, областимиздаги хотин-қиз механизаторлар тайёрлайдиган қатор билим юртларида ўқибатган хотин-қизлар сони ҳам юзлаб ҳисобланади.

Ҳукуматимиз хотин-қизлар учун яна шундай бир имконият тўғдирди: бундан кейин билим юртини битириб чиқувчиларга муайян касб ва ўрта маълумот олганинг тўғрисида аттестат топширилади. Бу аттестат механизатор қизларининг олий ўқув юртларига кириб, билим савиясини янада ошириб, техника сирларини чуқурроқ ўрганишларига ёрдам беради.

Қарорда айтилганидек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлган хотин-қиз тракторчи-машинистлар учун бериладиган ва механизаторлар учун белгиланган қўшимча 6 кун муддатлик отпуски, ун икки иш кунига ўзайтирилади. Тракторлар, комбайнлар ва мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарида ишлайдиган хотин-қиз механизаторлар учун ишлаб чиқариш нормаси мавжуд бўлган нормадан 10 процент кам қилиб белгилангани партия ва ҳукуматимизнинг бизга кўрсатилган яна бир ғамхўрлиғидир.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги муштасислари 1970 йилдан бошлаб тракторчининг вазини ва бўйига қараб ички ресор билан бошқариладиган ҳалларга ўтқичи, маҳкам қилиб қопланган кабина, ҳайдов тракторлари нзмн ўзгартириб турадиган мосламалар, тебраниш ҳамда ҳайдовчининг иш жойида шовқинини камайтиришга мосланган механизмлар, ўтиргичлар ўрнатилган тракторлар ишлаб чиқаришни мўлкалламоқдалар. Барча қулайликларга эга бўлган машиналарнинг биринчи набатда хотин-қиз механизаторларга берилиши бизни ниҳоятда руҳлантириб юборди. Хотин-қизлар учун бу янги машиналарнинг қўлай томонини шундаки, у кишидан бошқаришда ортиқча куч талаб қилмайди.

Партия ва ҳукуматимизнинг хотин-қизларга оталарча ғамхўрликларидан руҳланиб, бу йил ўзимизга қарашли 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан планда белгиланган 29,5 центнер ўрнига 35 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдик. Жарлик ва қамчиזורларни ўзлаштириш ҳисобига бу йил еримизга 20 гектар майдон қўшилади.

Ҳозир мен бошчилик қилаётган участка деҳқонлари баҳорги энчи қампанясига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Маҳаллий ва минерал ўғит жамғарилмоқда. Бу йил ана шу майдондан қамда 450 тоннадан ошириб аъло сифатли пахта етиштиришимиз.

Қиш чўзилиб кетмоқда. Шунинг учун биз, механизаторлар алоҳида маҳорат кўрсатиб ишлашимиз, техникани тезроқ қўламга шай қилиб қўйишимиз керак. Участкамиз механизаторлари ҳозирги кўнларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳайдов ва чопоқ тракторлари дала ишларига тайёр қилиб қўйилди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида биз зиммадаги топшириқни ошириб бажарамиз. Бу бизнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совғамиз бўлади.

А. Абалия фотоси.

ҚИШЛОВ СОЗ ЎТМОҚДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ. «Полярная звезда» колхозининг чорвадорлари бу йилги оғир қишлоқ шароитида ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Хўжалик фермаларида бўлсангиз, ҳар бир иш уюшқоқлик билан ташкил этилганини, ҳар бир чорвадор ўз зиммасидаги вазифани сидиқидан бажараятганини кўриб, қувониб кетасиз. Молларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун чорвачилик биоларини иссиқ тутишга, молларга катъий белгиланган график асосида ем-хашак бериб боришга алоҳида эътибор қилишмоқда. Натикада шу қиш шароитида ҳам сиғирлардан худди ёздагидек мўлқўл сут соғиб олинапти.

Н. Ким, З. Қўрбонова, В. Василенко ўртоқларининг ҳар бири ўз боқимидаги сиғирлардан йил охиригача 42—44 тоннадан сут соғиб олиш учун курашляпти. Чорвачиликнинг бошқа тармоқларида ҳам қишлоқ намунали ўтказилмоқда.

В. СОДИҚОВ.

16 МАРТ—МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ТАЙЕРГАРЛИК

ҚИЗГИН

Оҳангарондаги «Строитель» клубига жойлашган 23-агитпунктга кириб борганимизда кеч бўлиб қолган эди.

Агитпункт мудри ўртоқ И. Суҷнов бир гурупа агитаторлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Муҳир бизни «Строитель» клубига кириб, агитаторлар билан ўтказган суҳбат мазмунини ҳақида талқиди.

— Иш планимиз бўйича беш сайловчилар кечасини ўтказишчи мўлкаллашамиз,— деди у.— Сайловчилар рўйхатини белгиланган вақтдан илгарироқ тугалладим, сайлов ҳақидаги ниҳомлар юзасидан суҳбатлар ўтказишни белгилаб қўйдик. Яқин кўнларда сайловчиларни агитпунктга таклиф қиламиз.

Чиндан ҳам бу агитпунктда маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловолди тушунтириш ишлари ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Агитпунктда кундалик марказий, республика ва област газеталари ва журналларнинг янги нусхаларини истаган вақтингизда топиб ўқишингиз мумкин.

Агитаторлар шу кўнларда аҳоли ўртасида совет сайлов системасининг афзалликлари ҳақида сайловчиларга тушунтириб боришмоқда. Агитаторлардан Е. Шлемпо, Ю. Худяков, Ғ. Аширраев, Х. Уролов ўртоқлар ишчанликлари билан сайловчилар ҳурмати қозонишмоқда.

А. АҲМЕДОВ.

АГИТПУНКТ

ЧИРОҚЛАРИ

Пойтахтнинг Ҳамза районидаги 149-ўрта мактабнинг салобатли биноси пештоқига «Хуш келибсиз» деб ёзиб қўйилган чакриқ сайловчиларни бағрига чорлаб турибди.

Кечки пайтларда Ильяч нуридан чарогон бу агитпункт машинасозлар билан газетам бўлмоқда. Агитпунктга ташириб қилган сайловчилар вақтларини қўнгилаи ўтказиш учун ҳамма шароит ҳозирлаб қўйилган.

— Агитпунктнинг коллективини,— дейди агитпункт мудри ўртоқ М. Горбанова,— пухта

иш планига эга. Сайловолди ташкилий ишларимиз ана шу план асосида ўз вақтида бажаришмоқда. Бундан ташқари, агитпунктга беришга 90 ўқитувчи-агитатор график бўйича пайвандчилик қилиб боришди. Улар ўз навбатида вақтларида сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар беришди. Улар сайловчилар ўртасида олиб борган ишлари тўғрисида вақт-вақти билан ҳисоб беришди.

Сайловолди ташкилий ишлар ана шундай уюшқоқлик билан ўтказилаётганини сабабли ҳам агитпункт кишинларнинг кечки ҳордиқ чиқариш жойига айланиб қолди. Улар учун деярли ҳар кун янги-янги кинофильмлар кўрсатилиб турибди. Завод бадий ҳаваскорлари икросида концертлар уюштирилмоқда.

Агитпункт планига кўра яқин кўнларда Н. К. Крупскаянинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ўқитувчилар конференцияси ўтказиш кўзда тутилди. Бу конференцияга сайловчиларни таклиф қилиш ҳамда маҳаллий Совет депутатлигига номзодларни кўрсатишга ўртоқлар билан сайловчилар учрашувини ўтказиш ишлари мўлкаллашмоқда.



